



## ЎҚИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ КОРХОНАЛАРДА ИННОВАЦИОН ТАДБИРЛАРНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

**Эгамов Рахматилло Миролимович**

*Самарқанд давлат архитектура-қурилиш унверситети "қурилиш иқтисодиёти ва менежмент" кафедраси ўқитувчиси. Самарқанд, Ўзбекистон. [egamovsamgasi@mail.ru](mailto:egamovsamgasi@mail.ru)*

<https://orcid.org/0000-0001-7164-2359>

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss1/a24](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a24)

### **Аннотация**

Мақолада инновацион тадбирларни самарали ташкил этишнинг илмий асосларига батафсил таърифлар берилган, "BMAX BUILDING MATERIALS" МЧЖи фаолиятида инновацион ривожланишнинг истиқболли йўналишлари ёритилган. Шунингдек қурилиш индустрияси корхоналарида инновацион тадбирларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар ўрганилган ва рақобатбардошликни таъминлаш бўйича бошқарув модели ишлаб чиқилган.

**Калитли сўзлар:** Инновация, инновацион тадбир, инновацион ғоя, инновацион лойиҳа, инновацион модел, қурилиш индустрияси, рақобатбардошлик, ривожланиш стратегияси.

### **НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ЭФФЕКТИВНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ СТРОЙИНДУСТРИИ**

**Эгамов Рахматилло Миролимович**

*Преподаватель кафедры «Экономика строительства и менеджмента» Самаркандского государственного архитектурно-строительного университета М.Улугбека.*

### **Аннотация**

*В статье даны подробные определения научных основ эффективной организации инновационной деятельности, а также перспективных направлений инновационного развития в деятельности ООО «BMAX BUILDING MATERIALS». Также были изучены проблемы, связанные с развитием инновационной деятельности на предприятиях строительной отрасли и разработана модель управления обеспечением конкурентоспособности.*

**Ключевые слова:** *Инновация, инновационное мероприятия, инновационная идея, инновационный проект, инновационная модель, строительная индустрия, конкурентоспособность, стратегия развития.*

### **SCIENTIFIC FOUNDATIONS FOR THE EFFECTIVE ORGANIZATION OF INNOVATIVE ACTIVITY AT THE ENTERPRISES OF THE CONSTRUCTION INDUSTRY**

**Egamov Rakhmatillo Mirolimovich**

*Lecturer of the department "Economics of Construction and Management" of the Samarkand State University of Architecture and Civil Engineering M. Ulugbek.*

## **Abstract**

The article provides detailed definitions of the scientific foundations for the effective organization of innovative activities, as well as promising areas of innovative development in the activities of “BMAX BUILDING MATERIALS” LLC. The problems associated with the development of innovative activity at the enterprises of the construction industry were also studied and a management model for ensuring competitiveness was developed.

**Key words:** Innovation, innovative event, innovative idea, innovative project, innovative model, construction industry, competitiveness, development strategy.

## **Кириш**

Бугунги кунда қурилиш индустрияси корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш фақат инновацион тадбирлар асосида амалга оширилиши мумкин деган фикрдамиз. Чунки корхоналарнинг қанчалик даражада муваффақиятли ишлашига қарамасдан, агар унинг бошқарувчилари янги технологияларни жорий этишни мақсад қилмаса, янги турдаги юқори сифатли маҳсулотларни энг арзон нархларда ишлаб чиқармаса, маълум бир вақтдан кейин ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардош бўла олмаслик хавфи пайдо бўла бошлайди. Шу муносабат билан бугунги шароитида қурилиш индустрияси корхоналарининг самарали фаолият юритиши учун зарур бўлиб хизмат қилувчи омил, инновацион тадбирлар ҳисобланади.

Жумладан, мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ўз нутқларида инновациялар ва инновацион ривожланиш хусусида кўп маротаба тўхталиб ўтдилар: “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”[1].

Юқорида фикрларни ҳисобга олган ҳолда, қурилиш индустрияси корхоналарида инновацион тадбирлар асосида ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва халқаро бозорларда ўз ўрнига эга бўлиш бугунги куннинг долзарб бўлиб турган вазифаларидан биридир.

## **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Мақоланинг назарий - методологик асослари сифатида Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид тегишли қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган. Қурилиш индустрияси корхоналарида инновацион фаолиятнинг назарий-услубий асослари иқтисодчи олимлар томонидан атрофлича ўрганилган.

Қурилиш индустрияси корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, рақобатбардошликни инновацион тадбирлар асосида амалга оширишнинг назарий - методологик муаммоларини бирчилардан бўлиб ўрганган олим Й.Шумпетер”[2] иқтисодиётнинг ривожланиши учун инновация катта аҳамиятга эга эканлигини асослаб берган. Унинг фикрига кўра, инновация иқтисодиётнинг табиатини тўлқин каби ўзгартиришга сабаб бўлган асосий омил деб

такидлаб ўтган. XX асрнинг иккинчи ярмида инглиз олими Жон Бернал ўзининг “Жамият тарихидаги илмийлик” илмий иши билан ажралиб турди. Ж. Бернал “илм-фаннинг гуллаб яшнаши одатда инновацион ишлардан фойдаланиш натижасида иқтисодий фаоллик ва техник тараққиёт даврлари билан мос келади”, деб таъкидлаган[3].

Инновацияларнинг иқтисодий ўсиш билан боғлиқ масаласи, Й.Шумпетер ва Ж. Берналлар ғояларини давом эттириб, инновациялар назариясига бир қатор янги ёндашувларни ўз ичига олган Саймон Кузнецнинг Нобел мукофоти учун қилган маърузасида ўз аксини топган[4]. С. Кузнец нафақат иқтисодиётда, балки бутун жамиятнинг ҳам бир босқичдан иккинчисига ўтиш даврига асосланган улкан инновациялар концепциясига аниқлик киритган[5].

Айнан қурилиш индустриясида инновацион тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш масалалари Барентсев А.Б., Бузйрева В.В., Бурнйшова К.В., Василева Э.С., Мелекхина В.Б., Соколова С.А., Степанова Н.П., Шемякиной Т.Ю. Р.Ю.Абляевларнинг ишларида қараб чиқилган[6].

Миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда қурилиш тармоғини шакллантириш соҳасида инновацион тадбирларни ривожлантиришнинг илмий-назарий, ташкилий-ҳуқуқий ва методологик асослари республиканинг иқтисодчи олимларидан С.Ғуломов, Б.Ходиев, Н.Йулдошов[7], А.Бекмуродов, М.Икрамов, Ш.Зайнутдинов, М.Зиёев, Р.Нуриμβетов[8], А.Н.Джабриев, М.Маҳкамova, Ш.Мирсаидова, Й.Голдминларнинг асарларида кенг ёритилган.

Фикримизча, инновацион тадбирлар бу – навбатдаги қилинаётган ҳаракатларнинг мақсади, ғоянинг пайдо бўлиши, ихтироларни яратиш ҳамда инновацияларни яратиш ва ишлаб чиқаришни таъминлайдиган кетма-кет ҳаракатлар занжири. Инновация янги маҳсулот, замонавий ишлаб чиқариш технологияси, меҳнатни ташкил қилиш ва ҳоказоларни ифодалайди ва ундан кейин корхона учун наф келтирувчи восита бўлиши керак.

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот объекти бўлган “BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖи корхонаси томонидан ишлаб чиқараётган қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигининг самарадорлигини такомиллаштириш, корxonанинг инновацион фаолиятини самарали бошқариш жараёнларини объектив баҳолаш ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш илмий ишнинг асосий босқичи ҳисобланади.

Илмий мақоламизнинг асосий йўналишларидан яна бири “BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖ корхонасида инновацион тадбирлар асосида қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашнинг чора – тадбирларни ишлаб чиқиш бўлиб ҳисобланади.

Натижада, илмий ишимизда инновацион тадбирлар асосида қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашга таъсир этувчи омилларни баҳолашнинг баъзи бир йўллари таҳлил қилган ҳолда “BeneFit” МЧЖ корхонаси учун мақбул бўлган ёндашувни ишлаб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Қурилиш индустрияси корxonаларида инновацион тадбирларни қўллашнинг **асосий мақсади** – корхона қурилиш бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлашга, имиджини сақлаб қолишга имконият берувчи инновацион стратегияни танлаш ва уни муваффақиятли амалга оширишдир.

“BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖда инновацион тадбирларни амалга ошириш натижасида:

- “BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖда инновацион тадбирларни муваффақиятли амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш имконияти туғилади;

- “BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖнинг инновацион ривожланиш фаолиятини таҳлил қилган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича унинг кучли ва заиф томонларини ўрганиш имконияти пайдо бўлади;

- “BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖнинг келажаги учун инновацион ривожланиш стратегиясини танлаш ва уни амалга ошириш механизмларини шакллантириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Самарқанд вилоятининг қурилиш индустрияси корхоналарида муайён маҳсулот янгилик (ўзгариш)ларни танлаш меъзонлари одатда иқтисодий самара келтирувчи у ёки бу инновацион қарорларни қабул қилиш орқали амалга оширилиши мумкин.

“BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖ ишлаб чиқараётган инновацион маҳсулотларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқарилаётган инновацион маҳсулотларининг келажақдаги муваффақиятини баҳолашга бир назар ташлашни мақсад қилиб қўйдик. Шунинг учун илмий ишимизда биз инновацион тадбирлар асосида қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминловчи моделини ишлаб чиқдик (расмда келтирилган).


“BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖ ишлаб чиқараётган инновацион маҳсулотларнинг муваффақият келтирувчи кўрсаткичларини аниқлашда, унга таъсир этувчи омилларни ҳам аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Янги қурилиш маҳсулотининг муваффақият ва муваффақиятсизлиги ҳам рақобат даражасига, яъни рақобатнинг қанчалик таъсир этиш даражасига боғлиқ.

Бизнингча корхона мақсадларига мос келадиган (мувофиқ) бўлғуси (келажақдаги) қурилиш маҳсулотларининг хусусиятларини таҳлил қилиш, қурилиш индустрияси корхоналардаги инновацион маҳсулотларининг муваффақиятини баҳолашнинг яқунловчи қисми бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай янгилик (киритилаётган ўзгаришлар) қанчалик жозибали ва қизиқарли бўлишида қаттиқ назар, ташкилотнинг мақсадларига эришишида, унинг стратегиясини амалга ошишида ўз ҳиссасини қўшиши керак деган фикрдамиз.

Бунинг учун биринчи босқичда олинган маълумотларга асосланган ҳолда, ҳар бир кўрсаткичга маълум бир қийматга мос келадиган таклиф этилаётган хусусиятларнинг эксперт баҳоси берилади. Ҳар бир кўрсаткич эксперт хулосасининг натижасидир ва қуйидагича ҳисобланади:

$$A_i^{12} = \sum_{j=1}^m a_{ij} / M$$

бунда,  $a_{ij}$  -  $i$ - кўрсаткичлар бўйича,  $j$  – мутахассис (эксперт)нинг баҳоси;  
 $M$  – экспертнинг баҳолари сони (экспертлар).



Расм. Инновацион тадбирлар асосида қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини бошқарув модели

2. Кўрсаткичлардан олинган ҳақиқий қийматлари асосида маҳсулотни инновацион коэффиценти қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_{ин.мах} = \sum_{i=10.12}^n A_i^{12} / n$$

бу ерд,  $n$  – кўрсаткичлар сони.

3. Кўрсаткичлардан олинган ҳақиқий қийматлари асосида қурилиш корхонасининг инновациялар ўтказишга тайёр эканлиги бўйича коэффиценти қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_{ин.тайёр} = \sum_{i=4.9}^n A_i^{12} / n$$

4. Кўрсаткичлардан олинган ҳақиқий қийматлари асосида қурилиш бозори инновация (янгилик)ни қабул қилиш коэффиценти қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_{боз.к.к} = \sum_{i=1.3}^n A_i^{12} / n$$

Учинчи босқич – қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда инновацион муваффақият келтириш даражасини аниқлаймиз:

$$ИМКД = \sqrt[3]{K_{ин.мах} \times K_{ин.тайёр} \times K_{боз.к.к}}$$

Бунда учта ҳолат мавжуд бўлади:

- агар  $0,2 < ИМКД < 0,4$  бўлса, у ҳолда маҳсулотни инновация қилишдан (инновацион тадбирдан) воз кечиш керак;
- агар  $0,4 < ИМКД < 0,6$  бўлса, унда инновация муваффақият даражасини ошириш бўйича (тадбирлар ўтказиш) чораларини кўриш зарур. Улар учта йўналишда бўлиши мумкин:
  - маҳсулот инновациясини (янги маҳсулот ишлаб чиқариш тадбирларини) такомиллаштириш;
  - қурилиш индустрияси корхоналарининг инновацияларга тайёрлигини ошириш;
  - бозорда инновацияларни (янгилик тадбирларини) қабул қилишни ошириш.

Ушбу услубидан фойдаланган ҳолда инновацион фаолият билан шуғулланвчи короналарнинг қурилиш маҳсулотлари бозорда албатта муваффақият қозониши зарурлигини аниқлаш мумкин.

Бунда “BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖнинг молиявий фаолияти ҳолатини таҳлил қилишнинг биринчи кўриниши истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш нуқтаи назаридан маҳсулот инновацияларининг истиқболларини аниқлашдир.

#### **Хулоса ва таклифлар**

“BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖида инновацион тадбирлар асосида маҳсулот рақобатбардошлигининг самарадорлигини баҳолашнинг илмий асосларига таянган ҳолда, янги инновацион ишланмаларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, жумладан:

– “BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖи инновацион тадбирларни самарали ташкил этиш асосида илмий салоҳиятни янада ривожлантириш, ходимларнинг билим даражасини оширишдан самарали фойдаланган ҳолда янги рақобатбардошли қурилиш маҳсулотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этишга эришиш;

– Қурилиш индустрияси корхоналарида инновацион тадбирларни қўллаш асосида қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини баҳолаш ва истиқболларини аниқлаш (прогноزلантириш) бўйича шароитлар яратиш;

– “BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖида инновацион тадбирлар асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва янги иш жойларини кўпайтириш;

– “BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖида амалга оширилган инновацион тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш учун имкониятлар яратиш;

– янги инновацион рақобатбардошли қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича илмий тадқиқот муассасалар билан ҳамкорлик алоқаларини янада яхшилаш йўллари излаб топиш.

Демак юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, “BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖида инновацион тадбирлар асосида ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотларининг доимий рабатбардошлигини таъминлаб туриш учун, бу жараённи баҳолаб бориш жамиятда иқтисодий масалаларнинг ижобий ҳал этилишига олиб келади деган фикрдамиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 23 декабрь 2017 йил.

2. Й.Шумпетер. Теория экономического развития. М., Прогресс, 1982. - 304 с.

3. Дж. Бернал. Наука в истории общества. М.: ИЛ — 1956

4. Simon Kuznets, «Modern economic growth: Findings and reflections», Nobel lecture delivered in Stockholm, Sweden, December 1971 and published in the American Economic Review 63 (September 1973).

5. Кузнец С. Современный экономический рост: результаты исследований и размышлений. Нобелевская лекция // Нобелевские лауреаты по экономике: взгляд из России; под ред. Ю.В. Яковца. СПб.: Гуманистика, 2003.

6. Абляев Р.Ю. Обзор рынка гипсовых сухих строительных смесей России // Журнал «Предпринимательство», № 3 - М., 2010.

7. Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион менежмент – Т.: ТДИУ. Дарслик 2011, 286-б.;

8. Нурымбетов Р.И. <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/> 47582— innovatsion-salohiyat—zamonaviy-iqtisodiyotni-rivojlantirish-poydevori.

9. S.O. Ibragimov “Qurilish materiallari ishlab chiqarish korxonalarining iqtisodiyoti” – O’quv qo’llanma, -Т.: TAQI. 2021- 163 b.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти: <http://www.stat.uz>.